

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ХАМДА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 34 (3262).

Пайшанба, 17 февраль 1966 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ЭРТАГИ КАРТОШКА ЭКИЛМОҚДА

Тошкент областининг сабзавот-корлар эртаги картошка экини ўтган йилдагидан 20 кун барвақт бошлаб юборилди. Калинин районидagi «Қорасу» совхоз, «Октябрь» колхоз, Оржоникидзе районидagi «Қи-

зил Ўзбекистон», «Правда» колхозлари дастлабки гектарларга картошка экиб бўлиди. Ўзбекистон тулроғида биринчи марта гектар бошига 30 тоннадан ҳосил туқадиган «эпикур» нави Сибирь картошкаси экилмоқда.

Бу йил Тошкент областининг ҳўжаликларида қарийб 10 минг гектар, яъни ўтган йилдагидан қарийб 1 минг гектар кўпроқ ерга картошка экилади. (ЎзТАГ).



ОБЛАСТЪ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Партиянинг тарихий XXIII съезди яқинлашмоқда. Бутун мамлакат бу шонли кунга қизғин тайёргарлик кўрапти. Саноат корхоналарида, колхоз ва совхоз далаларида, коммунист-лик курилтишининг барча соҳаларида миллионларининг кудратли ҳаракати, яратувчиллик ишлари-руҳини ва ижодий меҳнати кун сайин кучоқ ёйиб, ўзининг аjoyиб самараларини бермоқда. Ватанимизда ана шундай юксак сиёсий ва меҳнат кўтариш-килиги юз бераётган бир за-матда Ўзбекистоннинг пойтахт обла-сти партия ташкилотларининг XIV конференцияси чақирил-моқда.

Бутун очилган обла-сти партия конференцияси — пар-тия ташкилотлари ва барча коммунистлар, шунингдек пой-тахт обла-сти меҳнаткашлари ҳаётида катта воқеа бўлади. Бу конференция ҳисобот даврида қилинган ишларга яқин асасди, партия ташкилотлари олдига турган вазифаларни мувофиқла-ти, ҳўжалик ва маданий қўрил-миш-га, меҳнаткашларни коммуни-стик руҳда тарбиялаш ва бошқа масалаларга партия раҳбарли-гини кучайтириш йўллари бел-гилан бўлади.

Областнинг партия ташки-лотлари ва коммунистлар ўз кон-ференцияларига голийсиёй жиҳатдан ўсиб, қамол топган,

Коммунистик партиянинг ва унинг ленинчи Марказий Коми-тети атрофида ҳар қачонгидан маҳкам жинслаган бир за-матда, экономика ва ҳалқ ҳўжа-лигининг барча тармоқларида янги, юксак марраларни эгал-лаш учун ғайрат ва ташаббус билан фидокорона меҳнат қи-лаётган бир шайронда келди-лар. Партия ташкилотлари фао-лиятида ва мамлакатга раҳбар-лик қилишда ленинча нормалар тикланганлиги ва ягона обла-сти партия комитетлари ташкил-топганлиги бошлангич партия ташкилотларининг жанговарли-гини, омма ўртасидаги роли ва ташкилотчилик қобилиятларини янада юксалтириб юборди.

Област конференциясига жойларда бўлиб ўтган бошлан-гич партия ташкилотларининг ҳисобот-сўзлари, йиғилишлари, шайхон ва район партия кон-ференциялари КПСС Мар-казий Комитетининг октябрь (1964 йил) март ва сен-тябрь (1965 йил) Пленумла-ри партиянинг, омма маданий-сиёсий ҳаётида катта сиёсий во-қеа бўлганлигини ва бу Пле-нумлар янги ривожланган, са-ноат, қишлоқ ҳўжалиги ва ма-даний қўрилмиш раҳбарлигини тубдан яхшилашда алоҳида аҳ-миётга эга эканлигини кўрсат-ди. Шу билан бирга бу йиғи-лиш ва конференцияларда иш-га танқидий нуқтан назар-

дан баҳо берилади, партия ташкилотларига талабчанлик янада оширилади. Район ёки шаҳарнинг ишлаб чиқариш кўчларини ривожлантиришга партия раҳбарлигини кучай-тириш, меҳнаткашлар ўртасида коммунистик тарбияни ҳозирги талаблар даражасига кўтариш, эскилик сарқитларига қарши курашни кучайтириш сингари гоийт муҳим масалалар асосий ўрин олди. Шу билан бирга партия ташкилотлари, комму-нистлар ва партия ходимлари-нинг эътибори КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумлари қарорларини из-чиллик билан амалга ошириш-га қаратилди.

Ҳисобот даврида областнинг экономикаси ва ҳалқ ҳўжали-гини юксалтиришга қўрилди. Етти йиллик план топириқла-ри муваффақиятли бажарилди. Саноат корхоналари белгилан-ган миқдордан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришди. Меҳнат унумдорлиги ошди, ички ишо-биялар ва резервлардан фой-даланиш янада яхшиланди. Ка-питал қурилиш, ўй-юк ва ма-даний-маиший қўрилмишлар, транспорт ва алоқа, ҳалқ тур-мушининг моддий ва маданий даражасини ошириш соҳалари-да ҳам қувончли ютуқларга эришилди.

Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари-деҳқончилик ва чорвачилик

маҳсулотларини кўпроқ етишти-ришга, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб-чиқаришини кенг миқёсда ме-ханизациялаш, илгор тажрибалар-фан ва техника ютуқларидан моҳирлик билан фойдаланишга, айниқса, пахтачилик ишларини комплекс меҳанизациялашга алоҳида эътибор берди. Бунинг натижасида пахта етиш-тириш йил сайин кўнаймоқда ва унинг ҳосилдорлиги ошмоқ-да. Ўтган йили она Ватанга 350 минг тоннага яқин «оқ ол-тин» етказиб берилди. Бу-нинг қарийб ярми машина-ларда терилди. Комплекс ме-ханизациялаш заводалар энди-ликда қишлоқ ҳўжалигининг та-реққийотида асосий ва ҳал қи-лувчи роль ўйнамоқда.

Саноат ишлаб чиқаришини ри-вожлантириш, қишлоқ ҳўжа-лигини юксалтириш ва маданий қўрилмиш соҳасида эришяётган барча муваффақиятларимизда партия ташкилотлари ва ком-мунистларнинг ташкилотчилик, авангардлик роли яққол кўри-ниб турди. Улар меҳнаткашлар ўртасида катта сиёсий ва тар-биявий ишларни олиб боради, ишчилик ва ташаббусларни тар-ғиб этиди.

Партия ташкилотлари ком-мунистларни голийсиёй жиҳатдан чиништириш, меҳнаткаш-лар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, янги ком-мунистик традицияларни ривож-

лантириш, уларни интернацио-нализм, ватанпарварлик, револю-цион традицияларга садоқат руҳида тарбиялаш масалалари-га илдин эътибор берди. Идеология ишлари самисан ан-ча кўтарилиди.

Ҳисобот давридаги ишлар-руҳини шу нарсани кўрсатдики, баъзи шайхон ва район партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари саноат ва қи-лоқ ҳўжалиги ҳамда маданий қўрилмиш ишларига ҳозирги юкс-как талаблар даражасида раҳ-барлик қилмаётганди. Айрим корхоналарда маъжуд имкони-ятлар, ички резервлар ва илгор тажрибалардан тўла фойдала-нилмаётганди. Текширишлар, меҳнат унумдорлигини оши-ришга етарли эътибор берил-маётган. Қишлоқ ҳўжалигида эса арзон ва мул маҳсулот етиш-тириш, ерларнинг унумдорли-гини ошириш, техникадан кенг фойдаланиш, ҳўжаликларнинг рентабеллиги яхшиланган эришни, ўттирлардан тўли фойдаланиш ҳамда колхоз ва совхозларда ҳам март Пленуми кўйган ва-зифалар даражасида эмас.

Янги шайронда партия раҳ-барлиги методи ва услубини янада юксалтириш лозим. Пар-тия органлари ҳўжалик раҳбар-лари вазифасини бажармаслик-лари, асосий эътиборни ташки-лотчилик ишларини кучайти-ришга, қарларини танлаш ва

тарбиялашга, партия ва ҳўку-мат қарорларининг бажарили-ши устандан пухта контролли ўратилишга, тарбиявий ишларни яхшилашга ҳамда бошлангич ташкилотларнинг ролини оши-ришга қаратмоқлари лозим.

Област партия конфе-ренцияси партия ташкилотлари фаолиятини оширишда, улар-нинг сиёсий-ҳўжалик вазифа-ларини муваффақиятли бажари-лишга сафарбар этишда ҳеч шубҳасиз катта роль ўйнайди. Конференция делегатлари пар-тия ташкилотлари фаолиятига танқидий нуқтан назардан қа-раб, ишнингиздаги камчиликлар-ни очиб ташлашлари ва уларни тузатиш йўллариини кўрсатиб беришлари, партиянинг тар-биявий ишларини янада юкс-как даражага кўтариш, партия ташкилотларининг ташкилотчи-лик қобилиятларини оширишга қаратилган амалий тақлиф ва мулоҳазаларини айтишлари ло-зим.

Партиянинг XXIII съез-дин муносиб кўтиб олайлик. Партия ташкилотлари, барча коммунистлар ва меҳнаткаш-ларнинг куч ва ғайрати, ижодий меҳнати ва ташаббусини коммунистик қўрилмиш вазифа-ларини — янги беш йиллик топириқларини муваффақият-ли бажаришга сафарбар этай-лик.

АЛИШЕР НАВОЙИ ХОТИРАСИ

Бу йил Ўзбекистон меҳнаткаш-лари улуг шон ва мутафаккир, Ўзбек адабиётининг асосчиси Али-шер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигини кенг нишонлайди-лар.

16 февралда Ўзбекистон Ком-мунистик Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Раши-дов раислигида юбилей ўтказувини республика комитетининг мажли-си бўлиб ўтди. Мажлисида ана шу муҳим санага бағишланган ўткази-ладиган тадбирларнинг кенг пла-ни тасдиқланди.

А. Навоий асарларининг тўпла-ми нашр этилади. Пирик корхо-налар, колхозлар, совхозлар, му-ассасалар ва олий ўқув юртилари-да, маданият саройлари, клублар ва музейларда вистаказлар ва адабий-бадний кечалар ўтказири-лади, бир қанча олий ўқув юрти-ларида эса, юбилейга бағишланган илмий сессиялар ўтказилади. Шо-ир туғилган кунга бағишланган, республика ва обла-сти театларида йилги спектакллари қўйилади, олим-лар ва адаблар лекциялар ўқийди-лар, радио ва телевидение орқали махсус эшиттиришлар берилади, матбуотда мажолалар босилади. А. Навоий ижоди, фойдаланиш ва адабий меросини ўрганиш билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқотлар ва кенгайтирилади.

Алишер Навоий туғилган кун-нинг 525 йиллиги муносабати билан бўладиган тантаналар сентябр-ойда Тошкентда ўтказиладиган катта юбилей кечаси билан тугат-ланади. (ЎзТАГ).

КЎКЛАМГА ШАЙ

Сиз Янгийўл районида-ги Охунбобоев номли кол-хоз трактор паркда бўл-сангиз, турнақор саф тор-тиб турган қишлоқ ҳўжа-лиги машиналарини қўриб хурсанд бўласиз. 15 та ДТ-54, 25 та ХТ-28 тракто-ри, 60 дан ортиқ култивато-ри ва сеялка, 45 га яқин борона сифатли ремонтдан чиқарилиб, кўклам экиш кампаниясига шай қилиб қўйилган.

Колхоз деҳқонлари ҳам янги беш йилликнинг би-ринчи йилида пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш-ни янада кўпайтириш мақ-садида КПСС XXIII съез-ди шарафига ўзаро соци-алистик мусобақани кучай-тириб, кўклам дала ишла-рини жадал олиб бормоқ-далар.

Ю. ЮСУПОВ.



Суратда обла-сти партия конференцияси делегатларидан бир гуруҳаси. Бекободдаги Ленин ном-ли колхознинг меҳнат-ҳайдовчиси (чапдан) Адолат Рўзиматова шу колхознинг элени бошлиғи. Со-циалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдушар Усмонов, 1-«Далварзи» совхозининг бўлим бошқару-чиси Рашида Салиева, Держинский номли колхознинг меҳнат-ҳайдовчиси Зайнаб Гойнова ўр-А. Абояли фотоси.

АВИАТОРЛАР ЯНГИ МАРРА- ЛАРНИ БЕЛГИЛА ОЛИШДИ

15 февралда граждан авиация-си Ўзбекистон Бошқармаси пар-тия ҳўжалик айтишининг йиғили-ши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнаш-чилари Ўзбекистонда граждан авиациясини ривожлантириш етти йиллик планнинг бажарилиш йи-яқини ва беш йилликнинг бирин-чи йилида республика авиаторла-ри олдига турган вазифаларини муҳома қилиди.

Доқладчи — граждан авиацияси Ўзбекистон Бошқармасининг бош-лиғи А. Ю. Ҳозиназаров ва музо-карада сўзга чиққан нотичлар республикада ҳаво транспорти жадал суръатлар билан ривожла-ниб бораётганини айтиб ўтиш-ди. Ўзбекистон Бошқармасининг самолётлари ҳозир 90 та авиация линиясида хизмат қилмоқда. Ҳар йили осмон меҳнатчилари ерда-мида миллион-миллион гектар экин-зорларга химиявий ишлов бери-моқда. Самолётлар ва вертолётлар геологларга, олимларга, бинокор-ларга хизмат қилмоқда...

Республика авиаторлари етти йиллик план топириқларини ба-жарди, унинг кўнгина кўрсати-кичларини ошириб бажарди. Иш-лаб чиқариш юксак суръатлар билан ривожланиб бораётганини меҳнат унумдорлиги ўрнатилган ўсаётганлиги тўғрисида йиллик маънада пландан ташқари тўрт миллион сўмдан ортиқ фойда олди.

Етти йиллик даврида Фарғона, Андижон, Бухоро, Қарши, Қўноқ, Урганч, Сергели, Топди аэровок-заллари қуриди. Термиз, Нукус, Самарқанд ва бошқа ийлардаги аэровокзаллар реконструкция қи-линди.

Янги беш йилликда республика-мида граждан авиациясини янада тезроқ ривожлантириш мўлжал-ланмоқда. Беш йилликнинг бири-нчи йилидаёқ ишларнинг суръати анча жадаллаштирилади. Икки миллиондан кўпроқ пассажир та-

шиш мўлажаалаб турилибди. Бу йилдан авиациянинг йиллик пас-сажирлардан 20 процент ва етти йилликнинг биринчи йилида та-шылган пассажирлардан 3,5 бара-вар кўпди. 3,8 миллион гектар майдондаги экинзорларга авиация ёрдамида химиявий ишлов бериш белгилан қўйилди.

Айтиб йилинида 1966 йил учун мажбурий олинди ва граж-дан авиацияси Шимолий ва Гар-бий Сибирь бошқармаларининг коллективларига одат тусига ки-риб қолган социалистик мусоба-ви давом эттириш юзасидан мах-туб юборилди.

Йилида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. М. Муса-хонов ва СССР Граждан авиация-си сиёсий бошқармасининг бош-лиғи Г. Ф. Безбородов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

СЕРҚУЁШ Республикамизда

АНДИЖОН обла-стининг колхоз ва совхозлари ўн икки йиллик тракторларнинг йилдан йилга кўпайиб кўнгина бўлиб қўйди. Бу тракторлар бутун машина паркиннинг тўртдан беш қисми-га тўлиб кетди. Ўтган йили шу вақтга қадар 9,7 мингтадан кўпроқ трактор таъбирлаб қўйилган эди. Қашқадарь, Фарғона, Тошкент ва Сурхондарь обла-стларининг ҳўжаликлари ҳам тракторларни қўйишга янги ишларга шай қилиб қўйишда юксак суръатлар билан ишлармоқдалар.

Қишлоқ механизаторлари КПСС XXIII съездида ҳозирлик қўриб, ремонт ишларини жадаллаштиришмоқдалар. Февраль ойи-нинг сўнгги ўн кўнлигида колхоз, совхозларининг, «Узсельхоз-техника» бирлашмасининг устакхоналардан беш мингта трактор, ремонт қилиб чиқарилиди. Ҳар кеча-кундузда беш юзта машина чиқариб турилади. Ҳозирча бутун йилдан ўн мингта кўп трактор ремонт қилиб қўйилди. Селлажлар, култиваторлар, мангилар, пуригачлар ва бошқа техника воситалари ўт-ган йилдагидан тезроқ ва яхшироқ таъбирлаб қўйилмоқда.

РЕСПУБЛИКАНИНГ авиаторлар ерларида 800 минг гектар-дан ортиқ майдонга экинлар тузиш бугун билан арпа ба-ғишланган бўлади. Янгида тоғ атиқларидеа ёнғинларининг бўлиб, ғалла тез ўсиб кетди. Бу йил арпа билан бугун бугундан анча дурқун бўлиб ўсаяпти. Ғаллакорлар бошқоқ экинларини нақил қилиб ўстириш учун хато чиққан участкаларга қўшма-ча дон ташламоқдалар.

СИРДАРЕ обла-сти деҳқонлари мул пахта ҳосилига замин қўйишмоқдалар. Қишлоқ механизаторлари 150 минг гектар, яъни топириқча белгиланган бир ярм барабар кун ериш шўрини юқатилади. Бир неча марта юнли латинасида, супроқдан чиқариб олинган шўр су янги магистрал зовур ор-қали сугорилган маънада анча озоққа — Арнаоёя марига олиб юборилди. Итлари ҳақ шўри кетмаётган нҳойтада шўр бошқиб ётган далалар ҳам соғломлантирилади.

Андижон обла-стининг колхоз ва совхозлари ерларининг шўрини кетмаёқ топириқини муваффақиятли бажаришди. Улар салкам 88 минг гектар ериш шўрини юқатилади. Бухоро

ва Фарғона обла-сти ҳўжаликларидаги майдонларнинг ар-мида кўпиде шўр юнли ишлари тугатилди. ТЕРМИЗ, Ўзбекистоннинг энг жанубидаги «Денобод» ку-риқ совхозида ҳамма нарсая янги. Шўрвод даштидаги бу ҳўжадининг меҳнатчилари бу йил биринчи баҳорини кўтиб олиб, пахтадан биринчи ҳосил кўтаришди.

Совхозга санаи минг гектардан ортиқ серқош ер ажра-тиб берилди. Механизаторлар дастлабки минг гектар ерини шўрвор қилиб, текислаб қўйишди, арик ва колленторлар қу-ришди. Деҳқонлар куякка бориб, даштардан минг тонна пахта териб олишмоқчи, келгуси йилда эса, ҳосил тўрт бара-вар кўпайтирилади.

Ҳўжалик янги техника олмоқда. Уруғлик ҳам етиб келди. Биринчи бўлиб чигит ташланган даштарининг ер бағрида посёлка қил кўтармоқда. Денободликлар посёлка лойиҳа-сини уларни тавлаб олди. Совхоз шаҳарчиси гоийт қўнқамдор, сов-салдин бўлади.

КОРАКАЛПОГИСТОН АССР Беруний райоинининг чорвадор-лари давлатга гўшт сотиш юзасида белгиланган квартал-планини муваффақият билан бажарди. Таёвров пунктла-рига 212 тонна гўшт топириди.

МАРИЛОН, Маргилон шойи комбинати ҳамма кўрсаткич-ларга бўйича ишлаб чиқариш топириқларини бажарилган бўлиб қолди. Ҳўбжи комбинат узок вақтларга назар қол-моқда. 6500 мекан вақт. Сифат учун курашда эри-шадган дастлабки муваффақиятлар эса, КПСС XXIII съезди

ни муносиб кўтиб олди. Учун мусобақага қўшилган колл-ектин, айниқса қувонтириди.

Корхона ишда бўлад катта бурлиш бўлишга нима тўғрисида эришилди? Ўзбекистон Телеграф Агентлиги му-ҳабрининг бу саволига комбинат партия секретари Х. С. Абду-лаев бўлиб далаб жоаб берди.

— Бурлиш янгида ўтган йилнинг кузидан бугун таъв-гарлик кўриб келинди. Сентябрь пленумининг қарорларини дастур қилиб олган партия ташкилотимиз ўзининг бутун фао-лиятини шу мақсадга қаратди.

Отиқ партия йиғилиши сиёсий тарбиявий ишларни кучай-тириш, ишлаб чиқариш технологиясини таъомиллаштириш тадбирларини белгилаб берди. Бу тадбирларини ишлаб чи-қишда коммунистлар ва комсомоллар билан бирга бутун колл-ектив қатнашди. Партия комитети белгиланган тадбир-ларнинг бажарилишини мулзаман кузатиб боради, унинг натижаларини ўз мажлисларида муҳома қилади.

Визинг шайронимизда мастер ердамчиси ишлаб чиқа-ришда асосий фигуралар. Шунинг учун ҳам бизда «Мас-тер ердамчиси кўнчин» ўтганиш традиция бўлиб қолган. Ҳар чоршанба кун ишларда бригада аъзолари еттичи му-тахассислар, цехларнинг партия, насаба соз ва колсомол ташкилотлари вакилларида иборот бригадалар тўпанади-лар. Улар мастер ердамчилари иш ишларини иш билан

Илгари кўнгина еш ишчилар маънасининг пастлиги иш-лаб чиқаришга аниқгина зарар келтирарди. Коммунист Роза Давлатшина бу аҳволдан қутилиш йўлини айтиб берди. Унинг аjoyиб ташаббусини корхона партия комитети қў-лаб қуватилади. Ҳозир бу ташаббус бутун республикага ёй-илган. Илгор тўғрисида Роза ишдан беш вақтларига дугона-ларига ўз маҳорати ерларини ўргатишга ҳад қилди. Энди-ликда комбинатда Давлатшинанинг издошлари бўлган 187 хотин-қизлар болча ва яш. Музика мантаси, ишчи еш-ларнинг қўллари юқари сифатли маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар.

Шойи тўғрисидаги маданий-турмуш шайронини яхши-лашга катта эътибор берилмоқда. Чунки бу надрларнинг қўнмисизлигини қамайтириш (гаровиди). Корхонада эса, ил-гари надрларнинг қўнмисизлиги авай олиб кетган эди. Ҳоз-ир катта етохона биноси қуришда бўлади, яқин вақтлар-ичида бошлар боғлас ва яш. Музика мантаси, ишчи еш-лар мактаби, кафе, ошхона қурилади. Кечни профилактик ҳам кенгайтирилади.

Одамлар билан моҳирона иш олиб бериш учун цех пар-тия ташкилотларининг секретарлари белосита жаобгардир-лар. Ҳар дўшайа кун улар ҳўрғига партия комитети-нинг аъзолари билан бирга шайхон партия комитетининг ва-киллари ҳам келиб туради. (ЎзТАГ).

* ДАЛАЛАР * ФЕРМАЛАР * КОРХОНАЛАРДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
КПСС XXIII СЪЕЗДИГА

Областимиз Экономиксининг

СОВЕТ ШАРҚИНИНГ КЎРКИ

Минг йиллик тарихдан савол бергудек бўлсангиз, лаббай деб жавоб айлловчи кўча, ҳамма навқирон, гузал ва кўркам Тошкентимиз давримизнинг йиллик саноат, маданият ва фан марказларидан биридир. Чиндан ҳам у эндиликда Советлар мамламати Шарқининг кўрки бўлиб қолди.

Хозир республикамиз пойтахтида 400 га яқин корхона юртини тўтовсиз уриб турибди. Бу завод ва фабрикаларда республикамизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг тўртдан уч қисми тайёрланмоқда. Айниқса машинасозлик, унинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган соҳаси жуда юксалган. Машинасозлик маҳсулотини пойтахт корхоналарида тайёрланаётган саноат маҳсулотининг 85 проценти яқинини ташкил этмоқда. Тошкент ишчилари, инженер-техник ходимлари билан уч ва ақл-заковоти билан яратилаётган турли-туман саноат маҳсулотлари жаҳоннинг 70 га яқин мамлакатига жўнатилади.

Сўнгги етти йилликда шаҳар халқ хўжалиги исқини ривожланди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳамми анча ортди. Саноат ходимлари етти йилликда янги маҳсулот ишлаб чиқариш лавини мўлдатидан анча ялғари — 1965 йилнинг

23 октябрга бажаришди. Мамлакат эҳтиёжлари учун пландагидан ташқари 2 миллион сўмлик турли-туман маҳсулотлар етказиб берилди.

Шаҳарнинг барча бурчакларида катта ҳажмда капитал қурилиш ишлари олиб борилаётган. Янги-янги завод ва фабрикалар, ҳашаматли уй-жойлар, кўркам маданий-маиший муассасалар бинолари над кўтарилипти. Сўнгги йили йил ичида тошкентликлардан 90 минг киши янги квартираларга кўчиб ўтдилар ёки уй-жой шартини ахшилади. Болалар боғча ва яслиларида ўқитилар сон 10 мингдан кўпроқ ортди, шифохона ва туғруқхоналарда эса 1,5 минг ўрин кўпайди. Сўнгги йилларда 300 минг квадрат метрдан ортиқ ишлаб чиқариш майдонлари фойдаланишга топширилди.

Янги беш йиллик планда Тошкентда хўжалик ва маданий қурилиш ишлари ҳажмининг анча кенгайтириш назарда тутилган. Шаҳар хўжалигини ривожлантиришга ўтган беш йилликдаги қараганда 3,2 баравар кўп, шу жумладан уй-жой қурилишга 3,5 баравар кўп капитал маблағ сарфлаш мўлжалланади. 2,5 миллион квадрат метр уй-жой майдони, кўп-лаб мактаб, болалар боғча ва яслилари, кинотеатрлар, шифо-

хоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилади.

Бу йил тошкентликлар қишлоқ хўжалигига 20 минг трактор, 8 минг пахта теричи машинаси, 7 минг пахта подборкачиси, 6600 та пахта сеяласи, кўплаб қишлоқчилик машина ва механизмлари етказиб берилди. Шунингдек, мамлакат халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун 1600 га яқин туқимачилик машиналари, 1150 та экскаватор, 850 та компрессор станциялари, 1000 та электрик кўприк қранлари ишлаб чиқарилади.

Енгил саноат корхоналари коллективлари йил давомида 226 миллион метр ил газлама, 15 миллион донага яқин трикотаж буюмлари, 7 миллион жуфт пойфалар, жуда кўп тикучилик буюмлари ишлаб чиқарилади.

Барча совет халқи қатори республикамиз пойтахти меҳнаткашлари ҳам партиямиз тарихий XXIII съездининг муносиб тортиқлари билан кутуб олишга астойдил интиломоқдалар. Улар янги маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан шу йилнинг биринчи кварталига мўлжалланган планнинг 25 мартача бажаришга аҳд қилишган.



Абдуллатиф Расулов ва Шарофиддин Боқиев ўртоқлар «Ўзбексельмаш» заводининг қўюв пехи илгор ишчиларидан. Улар КПСС XXIII съездининг шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб топширишни доммо ортини билан бажармоқдалар.

Салтат саройи — шаҳримизнинг ҳусни ва кўрки. Бу ерга ҳар кун неча юзлаб кишилар келишиб, томоша кўришади, ҳордиқ чиқаришади.

ПАХТАЧИЛИК

352 МИНГ ТОННА

Областимиз пахтакорлари ўтган йили эл хирмонига 352 минг 700 тонна «оқ олтин» тўқдилар. Бу етти йилликнинг дастлабки йили — 1958 йилда етиштирилган ҳосилдан 109 минг тонна кўп демакдир.

МАШИНА ТЕРИМИ

Областимизда ер ҳайдаш, чигит экиш, гўза парваритиш билан бир қаторда пахта йилги-торинини ҳам тўла меҳанизациялаш соҳасида эришилган муваффақиятлар кўпми. Бахш аёда, 1958 йилда областимиз бейиша бор-йўғи 7200 тонна, 1961 йилда келиб 40 минг 700 тонна пахта машиналар ерда-ида терилган бўлса, 1964 йилда 132 минг 200 тонна, 1965 йилда эса 152 минг тонна «оқ олтин» «зангори кема»лар бун-керидан тўқилди.

ҲОСИЛДОРЛИК

Шунинг қувонч билан айтиш мумкинки, ҳар гектар ердан олинган ҳосилни йилдан-йилга кўпайтириш йўлида олиб борилаётган кураш ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Етти йилликнинг биринчи йили гектаридан бор-йўғи 18,3 центнердан, 1961 йилда 23 центнердан хирмон қўтарилган бўлса, ўтган йили 24,1 центнердан етказилди. Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари пахта тайёрлаш давлат лавини бажара олмаган биронта колхоз ёки биронта совхоз қолмасини деган ширини ўртага ташлаганлар. Бу ширин эиндиликда ҳақиқатга айланган. 1964 йилда областимизда фақатгина икки хўжалик маррага ета олмаган эди. 1965 йилда областимиздаги барча хўжаликлар йиллик лавини ва эинмага олган сойластик маж-бурятларини ҳар йилдан анча қисқа муддат ичида ортини билан бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортлари бердилар.

БЕШ ЙИЛЛИКДА

1966 йил — янги беш йилликнинг навқирон йили пахтачи-лигимизда яна янги давр очилди. Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари дехончилик маданиятини янада юксалтириш, пахтачиликнинг ҳамма соҳасини комплекс меҳанизациялашнинг йиллик лавини давом эттириш, шу йил билан ҳосилдорлигини ҳар қачонгидан ҳам кўтариш учун астойдил кўпнашдилар. Шу олжанов мақсад билан комкорлар партиямиз XXIII съездининг шарафига ўларо сойластик мусобақа байрогини баланд кўтариб бормоқдалар.

ЧОРВАЧИЛИК

ГЎШТ, СУТ

1958 йилда сўйилган вазида ҳаммаси бўлиб 19,1 минг тонна гўшт етиштирилган эди. Етти йилликнинг сўнгги йилида эса мамлакатта 24 минг тонна гўшт етказиб берилди. Айниқса соғини ситирлар зотини ахшилаш, сутини кўпайтириш соҳасида кўпга киритилаётган ютуқлар қувончли. 1958 йилда 112,5 минг тонна, 1961 йилда 132,3 минг тонна гўшт етиштирилган эди. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари чорвадорлар учун ҳам истиқбол йўлларини кенг очиб берди. Давлатга сотиладиган ёғ, гўшт маҳсулотлари харид нархларининг оширилишидан манфаатдор бўлган, чорвачиликда илгор фан ютуқларидан, химия муъжизаларидан самарали фойдаланган, меҳанизациялаштиришга астойдил киришган областимиз меҳнаткашларининг 1965 йилда етказиб берган сут маҳсулотлари 159,4 минг тоннани ташкил этди.

ТУХУМ, ЖУН

Тухум ва жун тайёрлашда ҳам эришилган ютуқлар чакки бўлмади. 1958 йилда 80,2 миллион дона тухум, 1200 тонна жун етказиб берилган бўлса, етти йилликнинг охириги йилида 109,1 миллион дона тухум, 1412 тонна сифатли жун тайёрланди.

Областимиз чорвадорлари етти йилликда эришилган муваффақиятларини мустаҳкамлаш мақсадида янги беш йилликда она-Ватанга ёғ, гўшт, сут, тухум, жун етказиб беринини бундан ҳам кўпайтириш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Молларин бурдоқига боқини ахшилаш, зотли ситирлар сонини янада кўпайтириш, фермаларда меҳанизацияни кенг қўлланиш, ел-таппак базасини мустаҳкамлаш тадбирларини изчиллик билан амалга оширишмоқдалар.

ҚУРИЛИШ

● Область бинокорлари йиллик қурилиш-монтаж ишлари лавини 27 декабрга бажариш мажбуриятини олдилар.

● Бу йил планга қўшимча равишда 1 миллион 200 минг сўм маблағ улаштирилди.

● Чирчиқ электрохимия комбинатига 385,5 минг тонна аммияк тайёрловчи янги қувватлар ишга туширилди.

● «Ташавтомаш» заводига йилга 500 прицеп ишлаб чиқарувчи янги лех мўддатидан 25 кун олдин фойдаланишга топширилди.

● Охангарон керамика комбинатининг йилга 25 минг тонна каолин тайёрловчи қувватлари ишга туширилди.

● Етти йилликнинг дастлабки йилига қишлоқ хўжалик объектлари қурилиш-монтаж ишлари лавини 25 декабрда бажарилади.

● Бу йил 596 бошқа мўлжалланган молхона ва бузоқхоналар, 1400 бошқа мўлжалланган қўйхона қуриб битказилди.

● Колхозчилар учун умумий сатхи 15 минг 578 квадрат метр бўлган 483 та уй, 5312 ўқувчиға мўлжалланган 18 та мактаб, юз ўринли учта шифохона, кўплаб мактабгача болалар муассасалари қурилади.

ФАН * МАОРИФ * МАДАНИЯТ

Етти йиллик совет кишиларига қувончлар келтирди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида илм-фан, маданият, маориф бўйича ҳам кўпга кири-тилган ютуқларимиз беҳисоб бўлди.

Янги беш йилликда бундан ҳам кўп маданий тадбирлар амалга оширилади. Эътиборини бизна бу юксалиш рақамларига қаратмоқчимиз. Хозир областимиз шаҳар ва қишлоқларда 994 та мактаб ишлаб турибди. Пойтахтимиз меҳнаткашлари фарзандлари учун эса, 206 та мактаб очиб қўйилган. 190 та кечки ишчи-ёшлар мак-

таблари ёшларга билим беришда самонли хисса қўяпти.

Шу йилнинг ўзида областимизда колхоз ва совхозлар кучи билан 5472 та қўшимча сифий хонаси қурилади. Беш йилликнинг охириги йилида эса, областимизда 1152 та мактаб ишлайди. Уларда меҳнаткашларнинг 411.622 фарзанди таълим олади.

Янги беш йиллик илм-фан таракқиетида янги босқич бўлади. Областимизда 17 та олий ўқув орти ишлаб турган бўлса, 1970 йилга келиб улар сонин янада ортади. Хозир бу олий ўқув юртларида 41.089

студент таълим олмоқда. Уларда 4949 ўқитувчи ишлаб турибди. Студентлар билан машғулот олиб бораётган фан докторларининг ўзи 113 кишини ташкил этади.

Маданий ҳаётимизни кўб, кутубхона ва бошқа муассасаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кейинги йилларда кўплаб кутубхона ва клублар очилди.

Бундан ташқари халқ театрлари ва халқ филармониялари ҳам ташкил этилмоқда. Бу йил Юкюри Чирчиқ районидида «Правда» Оркионкидзе районидаги «Правда» колхозларида

ашула ва рақс ансамбллари иш бошлади.

Ақолига кино хизмати кўрсатиш бовасида ҳам анчагина ишлар қилинди. Кейинги йили йил ичида 20 га яқин киноуста-новкалар фойдаланишга топширилди. Хозир Тошкент шаҳрида ва пойтахт областида 525 та киноустановка мавжуд.

Биз бу ерда маданий ҳаётимизнинг айрим томонларини ҳақиқатга тўхталдик. Шу беш йилликда медицина, илм-фан соҳасида ҳам кўп ишлар қилинади. Областимиз том маъноси билан илм-фан ва маданият узаксига айланади.



РАҚАМЛАР ҲАҚИЯ ҚИЛАДИ

● Областимиз территорияси 15 минг 736 квадрат километри ташкил этади.

● Тошкент шаҳрини ҳам қўшиб ҳисоблаганда областимизда 2 миллион 486 минг 700 киши яшайди.

● Областда олти шаҳар, саккиз район, 87 қишлоқ совети ва 17 та шаҳар типидидаги посёлка бор.

● Областимизда 994 мактаб ишлаб турибди. Уларда 526 минг 775 ўқувчи таълим олмоқда. 25 минг 827 ўқитувчи областимиз шаҳар ва қишлоқларида беш авлодга билим бериш билан банд.

● Областимиздаги касалхоналарда 20 минг 895 ўрин бор. Меҳнаткашлар саломатлигини сақлаш йўлида 7464 врач гам-хурили қилмоқда.

● 161 аптека меҳнаткашлар хизматига.

● Бу йил соғлиқни сақлаш ишларида 60 миллион 326 минг сўм сарфланади.

ҚИШЛОҚДА САВДО

Ақолига савдо хизмати кўрсатиш йил сайин ахшилашиб борапти. Ўтган етти йилликда ақолига жон бошига қачанга товар обороти ҳамми 1,4 марта ўсди. Бу йил кишиларга савдо хизмати кўрсатиш янада ахшиланди.

Дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича янги беш йилликнинг дастлабки йилида товар обороти ҳамми 405,1 миллион сўмин ташкил этиши керак. Умумий оғватаниш системасида эса, товар обороти ҳамми 40 миллион сўм ҳажмида белгиланган.

Савдо тоқчалари областимиз районларининг олис-олис бурчакларида ҳам пахтакор ва чорвадорларга хизмат қила бошлади. Област матбуот жамияти систе-

масида бу йил 244 миллион сўмлик товар маҳсулотини сотилади. Бу рақам ўтган йилгагига нисбатан 11 процент кўпдир. 1966 йил павин лавиҳасида савдо корхоналари тармонини 456 ўринга, умумий оғватаниш корхоналари тармонини эса 714 ўринга кенгайтириш мўлжалланган.

Бу йил област савдо бошқармаси қудан ортин янги тоқчаларини ишга туширди. Улар Олмаиш, Чирчиқ, Янгиёул ва бошқа шаҳарлар қатори пойтахтимизнинг кўпгина районларида ҳам ажузуда келади. Ошхона ва ресторандар сонин 150 тага кўпайди. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ошхоналари Чирчиқ, Олмаиш, Янгиёул, Венобод шаҳарларида қури-


лади. Бу корхоналар ярим фабрика ва кўпнариги товарлари билан ҳам савдо ишларида. Олмаишда ярим фабрика таомлари тайёрлаб берувчи махсус цех ишга туширилди.

Янги беш йилликда савдо тармонлари ва товар обороти миқдори ўсиб боради. Кишиларнинг савдо ва олис-оғват маҳсулотларига бўлган талаби янада тўла-тўқис қондирилади.

Янги нелижада Бўна район марказида икки қанатли университет мағазини, Писент ва Юкюри Чирчиқда замонавий савдо тармонлари ишга туширилди. Буларнинг барчаси халқимиз фаровонлиги йўлида қилинаётган гамхўрлигининг реал ифодасидир.

ЧИРЧИҚ МЎЪЖИЗАСИ

Кимёгарлар шаҳри — Чирчиқнинг бугунги ҳусн-жамолига қараб тўймайсан киши. Уя-наб-йинаб оқётган мовий дарё кўш нурида



гўё навқирон шаҳар белига боғланган қумуш камардек ярқирайди. Серфейз хиббонлар, гавжум кўчалар, кинотеатр ва маданий саройлари—буларнинг барчаси Чирчиқ кўрига кўр, хуснига чирой бегишлаб турибди.


Шаҳар шўхратини Иттифокка таратган электрохимия комбинати ва «Ўзбекхиммаш» заводи цехларида, трансформатор ва «Чирчиқсельмаш» заводлари ишлаб чиқариш участкаларида ҳаёт бир зум бўлса-да тинмайди. Электрохимия комбинати маҳсулотини олмаган бирорта ҳам хўжалик бўлмаса керак хозир республикамизда. Угит ерининг жони, экиннинг қони дейди дехдон. Кимёгарлар ҳам буни яхши ўқиган. Шунинг учун ҳам 26 йилдан бери улар корхона қувватиға қувват қўшиб келишапти. Хозир корхона цехларида қарбамид, доналаштирилган селитра ва оддий минерал угит тайёрланапти. Ўтган йиллар мобайнида планга қўшимча равишда юзлаб минг тонна угит етказиб берилди.

Чирчиқ фақатгина химиклар шаҳри эмас, машинасозлар ва эиқорлар ўлкаси ҳамдир. Бу ерда Иттифокимиз оша чет элларда ҳам шўхрат қозонган химия асбоб-ускуналари, юкюри кушиланиш трансформаторлар ва агрегатлар ишлаб чиқариламоқда. Чирчиқ ГЭСлари каскади бўйлаб оқибатан нур хонадонларимизни чароғон қилмоқда, саноатимиз белига дармон бўлмоқда.

Навбатдаги беш йиллик шаҳар юксалишида алоҳида босқич бўлади. Яна кўплаб турар-жой массивлари ва саноат корхоналари қад кўтаради. Суя ва нур манбаи ҳисобланган Чорвоқ ГЭСи қурилиши тугалланади. Кимёгарлар шаҳри довури яна ошад.

ОХАНГАРОН—КЎМИРГА КОН

Охангарон — республикемиз қочегаркиси. Саҳн табият қончилар шаҳрига битмас-туғаммас ҳазина ҳада этди. Хозирги пайда конлар



дан казиб чиқарилаётган «қора олтин» хонадонларимизга нур, саноатимизга дармон бўлиб оқмоқда. Ўтган етти йилликда шаҳар экономикаси ғоятда тез суръатлар билан юксалди. Кўмир казиб чиқариш бир ярим баравар, электр энергияси ҳосил қилиш тўрт марта, ижма томбир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш уч марта кўпайди. Янги-янги ускуналарнинг монтаж қилиниши натижасида меҳнат умудорлиги 1,8 баравар ўсди.

Етти йилликнинг сўнгги йилида эришилган муваффақиятларга бир назар ташлайлик. 1965 йилда шаҳар бўйича 2 миллион 171 минг сўмлик турли хил маҳсулотлар планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилиди. 170 минг тонна кўмир казичиларга белгиланган ортиқча етказиб берилди. 15 минг квадрат метрдан кўпроқ турар-жой фойдаланишга топширилди. Бир йил ичида 110 мингга ускуна ўрнатилди, 35 хил операция автоматлашди. 9-шахта рента-белли хўжаликка айланди.

Хозирги пайда кўмир конлари замонавий техника билан қуролланган. Электроозлар ва автоматик забойлар қончилар меҳнатига барока киритилмоқда. Кўмир казичидан тортиб уни оғвалга келтиришгача бўлган барча процесслар тўла меҳанизациялаштирилган.


Янги беш йиллик қончилар шаҳрининг яна янги истиқболларини очиб беради. Янги қувватлар ишга туширилади, шаҳар ичида шаҳарчалар пайдо бўлади. Хозирги планда Охангаронда ер ости қанели қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилади. У битгач, шўх дарё ўз ўзини ўзгартиради ва янги конлар сандигини очиб имкони тугилади.

Янги равиш, шўжуби узун!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
КПСС XXIII СЪЕЗДИГА



8.000 „ЗАНГОРИ НЕМА“



«Ташсельмаш» заводининг коллектив КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Улар бешилликнинг биринчи йилида пахтакорлар учун 8.000 «Зангори нема» тайёрлаб беришга аҳд қилдилар. Ҳар кун завод конвейеридан ўнлаб агрегатлар колхоз-совхозларга йўл олмақда. Суратда: агрегатларнинг йиғиш участкасида. М. Нуриддинов фотоси.

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Партия ва ҳукуматимиз меҳнатсевар халқимиз саломатлигини ҳимоя қилиш ҳамда беморларни даволаш ишларига доимий суратда катта аҳамият бериб келмоқда. Ана шу мақсадлар учун йил сайин кўплаб маблаг ажратилмоқда. 1959 йили област бўйича соғлиқни сақлаш ишларига 36 миллион 643 минг сўм сарфланган бўлса, ўтган йили бу рақам 60 миллион 326 минг сўмга етди. Ўзини аҳоли соғлигини сақлаш ишларига сарфланган маблаг етти йилликда қарийб икки баравар кўпайди. Янги беш йилликда эса бундан ҳам кўпроқ маблаг сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида шифохоналар, турмухоналар, поликлиникалар, дорихоналар қуриш ишлари ҳар наҳондан ҳам жадал борапти. Бу бинолар замонавий медицина усулларини билан жиҳозланмоқда.

Етти йил мобайнида касалхоналардаги ўринлар сони 4140 тага кўпайди.

Даволаш муассасаларини олий маълумотли раҳбарлар билан таъминлаш ишлари соғлиқ-

ни сақлаш органларининг динқат марказида. Етти йил мобайнида областимизда врачлар сони 768 кишига кўпайди.

Областимиз шаҳар ва районларида шу кунларда 161 дорихона ишлаб турибди. Бундан ташқари ҳар бит шифохонанинг ўзида доридармонлар беморларга бепул берилади. Кейс пенсиялар учун эса доридорихоналардаги врачлар сони 768 кишига кўпайди.

Областимиз шаҳар ва районларида 1330 марксизм-ленинизм асослари мактаби, 1955 та бошланғич-гич сиёсий мактаб, 1140 мус-

тар аҳолилаштирилган баҳода соғлиқмоқда.

Турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида област шаҳарлари иқлимини яхшилаш, кўналарлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Янги беш йилликда курортлар, дам олиш уйлари, профилакторийлар сони янада кўпайди.

МАЪРИФАТ ЧАШМАЛАРИ

«Билим» жамияти Тошкент област бўлимида 768 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 15 минг 375 киши лекция ва докладлар ўтказиб турибди.

1965—1966 ўқув йилида областимиз шаҳар ва районларида 1330 марксизм-ленинизм асослари мактаби, 1955 та бошланғич-гич сиёсий мактаб, 1140 мус-

тақил ва коллектив сиёсий тайёргарлик тўғрисидаги ишлар қилинмоқда.

Партия-сиёсий маориф тўғрисидаги бу йил 84 минг 17 киши жалб этилган бўлиб, шулардан 64 минг 957 киши коммунистлар ва 4933 киши комсомоллардир. 12 минг 960 коммунист олий ўқув юртлири ва бошқа ўқув муассасаларида тахсил кўрмоқда.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Сиёсий тўғрарларда иш олиб бораётган 6513 пропагандадан 5362 киши олий маълумотлидир.

Областимиз шаҳар ва районларида 277 коммунист меҳнат мактаблари, 595 та ишлаб чиқариш таълим мактаб ва курслари, 232 та оммабоп лекторийлар, 26 та агитаторлар мактаби, 8 та деворий ва радиогазета редакторлари мактаблари ишлаб турибди.

Колхоз ва совхозлардаги дала шийпонлари сони бу йил 1630 тага етди. Шулардан 524 таси типовой шийпонлардир.

Ишлаб чиқариш корхоналари, колхоз ва совхозларда бошқа маданий-маиший муассасаларда 766 агитпункт бўлиб, уларда 37 минг 178 агитаторлар маърифат нурини ёймоқда. Бу агитаторларнинг ҳаммаси 1778 агитколлективга бириккан.

ШАҲАРЛАР, ҚИШЛОҚЛАР ЧИРОЙИ

Эгини тоза либос кийганида руҳинг нақадар енгил торганидек, ўз шаҳринг ва қишлоқларинг оёб ва кўркам ҳолда кўрганида дилинг ҳам шу қадар шод бўлади. Ҳашаматли бинолар виқор билан қад кўтарган файзли кўчалар, ям-яшил либосга бурканган хивонлар, ўзига мафтун этадиган истироҳат ва маданият босқини бағрига чорласа, унинг кучида дам олсанг қандай гаштли, нафтли. Ана шуларнинг ҳаммаси кишига куч, қувват бағишлайди. Меҳнатга руҳлантиради.

Ҳа, областимизнинг қайси шаҳар, қишлоқларида бўлсанг, уй-жой ёки маиший бинолар

заминига гишт қўйилётганини, кўчаларига асфальт ётирилётганини ёки бўлмаса, ана шу серфайз кўчалар қанотига соя-салқин ҳамда мевадан дарахт кўчатлари ўтказилётганини гувоҳи бўласиз. Область, шаҳар ва район марказларининг чиройини чирой қўйиш, уни оёб ва кўркам қилиш йўлида нимани амалга ошириш керак бўлса, ҳаммаси меҳнат аҳли учун, аҳолининг маданий ва маиший турмуш шарафига янада яхшилашга қаратилган. Областимиз хўжалигининг барча соҳалари бўйича йилдан-йилга қўлга киритилган улкан зафарлар ана шу ғамхўрликнинг самарасидир.

Беш йилликнинг дастлабки, 1966 йилида област, шаҳар ва район марказларини янада ободонлаштириш, аҳолини янги замонавий тишдаги уй-жойлар билан таъминлаш ишларига катта эътибор берилади. Шаҳар ва қишлоқларимизни фақат ободонлаштириш ишларига 6 миллион 500 минг сўмдан ортиқ маблаг сарфланади.

Бу йил шаҳар ва қишлоқларимизда уй-жой қурилиши учун 10,6 миллион сўм сарфлаш ёки қишлоқ аҳолисида 76,9 минг квадрат метр уй-жой қуриб берилади. Шуни қувонч билан қайд қилиш керакки, област аҳолиси бир йилда ҳеч наҳон бунчалик кўп квартиралар олмаган.

Шунингдек кўчаларга асфальт ётқириш, кўприклар қуриш ва янги йўللар очиб ишларига ҳам катта эътибор берилади. 1966 йилда фақат ана шу мақсадлар учун 15 миллион сўм маблаг сарфлаштириш кўзда тутилади.

Шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш, унинг ҳуснига ҳусн қўйиш йўлида кўрсатилган бу ғамхўрлик меҳнаткашларни албатта янгидан-янги талабаларга ихломлантиради.

ҚУВОНЧЛИ САТРАЛАР

Шу кунларда областимизда 674 кутубхона, 111 қироатхона ишлаб турибди. Шундан 344 таси маданият министрлигига, 160 кутубхона колхозларга, 170 кутубхона насаба союз ташкилотларига қарашлидир. 41 кутубхона болаларга хизмат қилади.

Ўтган йили аҳоли ижтимоиётини 7 сўм 30 тишининг маиший хизмат қўрсатибди.

Областдаги барча цемент-бетон кўприкларини бирга улаганда 63 километрни, темир-бетон кўприкларини бирга улаганда эса 1 минг 813 километрни ташкил этади. Етти йилликнинг дастлабки йилида кўприклар қуриш учун 131 минг сўм сарфланган бўлса, ўтган йили бу рақам 1 миллион 23 минг сўмга етди.

Шу кунларда областимизда 1473 хотин-қизлар Совети ишлаб турибди.

Областдаги шаҳар ва районларида 152 та сиёсий маориф кабинети бор, улардан фақат 37 таси давлат таъминотида, 115 таси эса жамоатчилик асосларида иш олиб боради.

184 халқ университетидида 34 минг 614 тинловчи бор.

898 сиёсий доклатчи, 619 лектор омма орасида сиёсий агитация ишлари билан машғул.

ОБОДОНЛАШТИРИШ

Бу йил 1,4 миллион квадрат метр йўл ва тротуарларга асфальт ётқирилади. 1,9 миллион туп дарахт ва кўчатлар ўтказилади.

Шаҳар ва район марказларида 44 километр узунликда водопровод тармоқлари, 25 километр канализация трубалари ётқирилади.


Бекобод—нур ва пўлат

Фарҳод теги этагидан ўтган Ширин сойи соҳилида қад кўтарган электростанция республикамизнинг тўнғич нурхоналаридан бири. У 40-йилларда бунёд этилган. Станция қурилиши билан Бекобод шаҳрига биринчи гишт қўйилди. Сўнг республикамиз фахри—В. И. Ленин номи металлургия заводи кўкка бўи чузди. У Улуу Ватан урушининг гойтада оғир давларида яратилди. Тоғ бағридан ушшлаб чиқарилган асос шомол ҳам, қайрат ҳам қайри ҳам ушшлаб калб кишилар қаддини бўкка олмади. Завод ва станция атрофида катор турар-жойлар, мактаб ва касалхоналар, цемент комбинати олам юзини кўрди. Булар кимсиз кенг адирга шаҳар ҳуснини берди.

Уша-ўша Бекобод айнаб, гуркираб борапти. Ўтган етти йилликда шаҳар меҳнаткашлари тарих кўрмеган зафарларни қўлга киритдилар. Етти йиллик тошчириш шаҳарда 1965 йилнинг октябры ойидаёқ бажариб қўйилди. Бу марғага биринчилар катори металлургия теги келишди. Йил охиригача планга қўшимча равишда минггаб тонна пўлат, прокат, цемент ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Саноат тармоқлари кенгайди, корхоналар қувватига қувват кирди.

Бугунги Бекободнинг ўз ўғлонлари бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Санд Нуриддинов ва Ҳафиз Ганиев, СССР Олий Совети депутати Қўрбоний Тошматов—булар Бекобод фарзандлари. Улар шу шаҳарга биринчи бор гишт қўйишган ва парвозига қанот бағишлаган.

Металлургия шаҳрининг истиқболи янада порлоқ. Янги беш йилликда саноат районида Урта Осиёда ягона ҳисобланган улкан




иссиқлик электр станцияси бунёд этилади. Ҳозир станция қад кўтарганидан ерда разведка ишлари олиб бораляпти. Янги ойлар кунда бинокорлар нурхонани 300 минг киловатт қувватга эга бўлган дастлабки блок парвоздорини ётқиришга киришадилар. Станция тўла-тўқис қўлдан чиққан ҳар соатда 2 миллион киловатт-соат электр энергияси етказиб бераверади.

Шунингдек янги беш йилликда металлургия заводида янги қувватлар ишта туширилади. Николаев номи кўчада янги кинотеатр, шаҳар марказида 250 ўринли касалхона ҳам бунёд этилади.

ОЛМАЛИҚ—БОЙЛИККА ТЎЛИҚ

Олмалик—бағри бойликка тўлиқ. Ҳа, у конлар, модар металллар шаҳри. Улуғ Октябры Социалистик революциясидан сўнг совет кишилари тош сандикнинг калитини топдилар. Қурама тоғ тизмалари инсонга ўз бағрини очди. Қалмоққир ва кўроғиш конлари



топилди. Конлардан қазиб олинаётган рудалар ҳозир Олтинтопан кон-металлургия комбинати томон тиймай оқиб турипти. Мис заводи ва кўроғиш саралаш фабрикаси бир меерда депсиммоқда. Олтингугурт кислотаси цехи «химия номи» ишлаб чиқариш билан банд.

Ўтган етти йилликда шаҳар хўжаликлари мисли қўрилмаган суръатлар билан юксалди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳаёми етти йил давомида 8,6 баравар кўпайди. 1965 йилда планга қўшимча равишда бир неча миллион сўмлик аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхоналар давлатга 19 миллион сўмлик итти-содий фонда келтирди.

Металлургия янги йилни ҳам муваффақиятли бошлашди. Январ ойида бинокорлар олтин гугурт кислотаси цехининг иккинчи навбатини ишта туширишга муваффақ бўлдилар. Бу билан «химия номи» етказиб бериш икки баравар кўпайди. Мис заводи ва кўроғиш саралаш фабрикасида қад кўтарган янги секциялар ҳам аъло сифатли концентратлар ишлаб чиқаришга киришган.

Олмалик катта қурилишлар шаҳри. Ҳозир катор замонавий турар-жой массивлари қад кўтармоқда. Уларда металлургия ва бинокорлар истиқомат қилишяпти. Қатор болалар боқчалари ва мактабларда уларнинг фарзандлари тарбия кўрипти. Кино театрлар, сайр боғлар шаҳар маданияшлари хизматдадир.

Янги беш йиллик шаҳарга улкан қанот бахш этади. Шаҳарда яна кўплаб саноат корхоналари қад кўтаради. Бу ишлаб чиқариш участкаларида коммунизмнинг моддий техника базалари яратилади.

ЯНГИЙЎЛ ЮКСАЛМОҚДА

Янгийўлда енгил саноат тармоғи тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Пойразал ва кондитор фабрикалари, гидролиз ва колбаса-экспериментал заводлари, ёғ-мол комбинати каби корхоналар қувватига янги сайин ошмоқда. Колбаса-экспериментал за



водида ўтган йиллар давомида амалга оширилган яхшиликлар ўз самарасини бермоқда. Ҳозир маҳсулот ишлаб чиқариш автоматик поток линияси усулида бажариляпти. Барча операциялар механизми-ланиб оқибатга юкланган. Янгийўллик корхона қувватини тўрт марта оширди. Меҳнат унвондорлиги эса 25 марта ўсди. Иттифоқимизнинг кўпгина озиқ-овқат саноати корхоналаридан келиб турган му-таассислар бу заводдан кўп нарсани ўрганиб қайтмоқдалар.

Ўтган етти йил давомида бошқа корхоналар қуввати ҳам бир неча баравар юксалди. Натикада, шаҳар бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш уч марта кўпайди. Виргина 1965 йилда 1964 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 21 процент ўсди. Ўтган йили планга қўшимча равишда 2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб заказчиларга жўнатилди.

Шаҳар меҳнаткашлари шу кунларда КПСС XXIII съезди шара-фига ўзаро социалистик мусобақани кенг қўлоқ ёйдириб ажойиб натижаларни қўлга киритмоқдалар. Барча бир ёқдан бош чиқариб, съезд очилганидан кунини янги йилнинг дастлабки қаватп планини бажариб қўйиш билан кутиб олишга олтиган.

Шаҳар аҳли янги беш йилликка қадам қўйди. Беш йил давоми-да хали кўплаб таълим-техникавий тадбирларни амалга ошириш керак. Қатор турар-жой ва маданий-маиший муассасалар бунёд этиш, корхоналар ёнига яна корхоналар қўйиш, мўлжалланипти. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини дастур қилиб олган янгийўлликлар бу вазибаларни ҳам муваффақиятли бажарадилар.

